Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 16 январь, № 11 (7791) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

БОШ КЕНТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.

Қийин синовлар келтирган 2020 йил ортда қолиб, янги йил кириб келди. Бу йил барчага янги умидлар бағишламоқда. Бунга ҳамоҳанг барча соҳада, жойларда яхши ўзгаришлар рўй бермоқда.

Хусусан, пойтахтимизда ҳам қурилиш, янгиланиш давом этмоқда. Шаҳар марказидаги Ислом Каримов кўчасида Олий Мажлис Сенати учун янги бино ҳозирланаётганидан кўпчилик хабардор. Лойиҳага кўра, 6 қаватли эски бино тубдан реконструкция қилиниб, қўшимча объектлар қурилмоқда. Бугунги кунда муҳандислик тармоқлари монтаж қилиняпти.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ишларни кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шу боис Сенатда доим иш "қайнайди". Юқори палатанинг қаёти муҳокама ва музокараларга бой. Хорижий делегациялар ҳам кўп ташриф буюради. Парламент назоратининг ўзи катта ва ўта муҳим вазифа.

Янги бинода ана шундай барча жиҳатлар инобатга олиниб, сенаторлар учун энг замонавий шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисини ўтказиш учун 280 ўринли зал ташкил этилмоқда. У миллий нақшлар билан безатилган, замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлади.

Президент бу ерда қулайликларни ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Парламентимиз фаол ишлаяпти. Мажлислар пайтида битта қонун лойиҳаси соатлаб муҳокама қилинади. Шунинг учун иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, саломатлиги, ёши билан боғлиқ ҳар бир жиҳатни эътиборга олиш, шунга яраша қулайлик яратиш зарур. Залга қуёш нури тушиб турса, кайфиятга, ишга яхши таъсир қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги бинода делегациялар билан учрашувлар, матбуот анжуманлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ҳам барча шароит яратилади.

Заргарлик маҳсулотлари бутун дунёда харидоргир. Жаҳон заргарлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми йилига бешолти фоизга ўсаётгани, товар айланмаси 250 миллиард доллардан ошаётгани унинг улкан экспорт салоҳиятидан далолат беради.

Мамлакатимизда кўп йиллар бу тармоқ эътибордан четда қолганди. Заргарлик корхоналари асбоб-ускуналарининг 80 фоизи эскирган, айримларида ишлаб чиқариш тўхтаган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 8 май куни ўтказилган йиғилишда заргарликни чинакам саноат даражасига олиб чиқиш вазифасини қўйган эди. Кўп ўтмай, ўша йили 18 майда давлат раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, рақобатбардош ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ишга туширилган "Gold Moon Tashkent" масъулияти чекланган жамияти ана шу натижалардан бири.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхонага ташриф буюрди.

Лойиҳани амалга ошириш учун қарийб 21 миллион АҚШ доллари жалб этилди. Италия, Германия ва Туркиянинг заргарлик тармоғида етакчи ҳисобланган фирмаларидан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди.

"Gold Moon Tashkent" МЧЖ директори ўринбосари Ҳикмат Маҳмудовнинг айтишича, турли хилдаги тайёр ва яримтайёр заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришга 200 дан ортиқ уста-заргарлар жалб қилинган. Ишлаб чиқариш жараёнида италиялик дизайнер ва техник ходимлар заргарларга ўз маҳорат сирларини ўргатмоқда.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, қимматбаҳо металлар ва тошлардан йилига 6 тонна заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади.

Заводга хом ашё мамлакатимиздаги йирик тоғ-кон саноати корхоналаридан биржа савдолари орқали сотиб олинади. Заргарлик буюмлари "Фонон" бренди остида бозорга чиқарилади.

Ушбу корхонанинг иш бошлаши маҳаллий ҳунармандлар учун ҳам қулайлик яратди. Корхона уларга яримтайёр маҳсулот етказиб беради.

Шунингдек, завод биносида савдо дўкони ҳам ташкил этилган. Бу ерда нафис услубда ишланган, жозибадорлиги ва сифати билан барчага бирдек манзур бўлувчи заргарлик буюмлари савдоси йўлга қўйилган.

Савдо дўконида сотувчилар томонидан ҳар бир мижознинг диди ва хоҳишига кўра энг нодир заргарлик маҳсулотлари тавсия этилади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, ходимлар билан мулоқот қилди.

— Заргарлик халқимизда азалдан бўлган, бугун ҳам бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бизнинг мақсадимиз — ёшларни замонавий технологиялар ва дизайнга ўргатиб, камида 10 минг нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш, Ўзбекистон миллий брендини жаҳон бозорига чиқариш. Юртимизда хом ашё, қўлигул ҳунармандлар бор. Бу соҳа миллий анъаналарни тиклаш, ўзлигимизни англаш нуқтаи назаридан ҳам катта пойдевор.

Корхона анъанавий ўзбек заргарлик буюмларини Европа ва Италия дизайни билан янада бойитиш, асиллик даражаси ва сифатини кафолатлаш, тиллага ишлов бериш усулларини кўпайтириш орқали ноодатий тақинчоқлар ишлаб чиқариш, олтин ва кумуш ёмбилар савдосини йўлга қўйиш, Ҳиндистон, Африка ва Шри-Ланкада ишлов берилган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан фойдаланиб, тақинчоқлар ясашни мақсад қилган.

Бугунги кунда маҳсулотларга харидор кўпайиб, импорт ўрнини босмоқда. Маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Заргарлик соҳасини ривожлантириш ҳамда рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш устувор вазифалардан. Мазкур заргарлик буюмлари корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Марказий Осиёдаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилда ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ беморлар илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олиниши, бунинг учун бюджетдан 140 миллиард сўм ажратилишини таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбари шу йўналишдаги янги мажмуа — Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказидаги қурилиш ишлари билан танишди.

Юртимиздаги табиий шароит буйрак касалликларини келтириб чиқариш омилларидан бири. Масалан, ўтган йили сурункали буйрак касаллиги билан 118 мингдан зиёд беморлар диспансер кузатувида бўлган. Уларнинг 23 минг нафарида сурункали буйрак етишмовчилиги кузатилган, 5 мингдан зиёди гемодиализга муҳтожлик сезган. Бу каби муаммолар даволашнинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш зарурати қўйилган эди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қурилаётган тиббиёт маркази шу борадаги ишлардан биридир. Бу жой илгари Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси эди. Унинг эскирган биносида гемодиализ олиш учун ўринлар сони эҳтиёждан бир неча баравар кам, аҳолига сифатли нефрология ёрдами кўрсатиш имконияти анча чекланган эди.

Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мазкур шифохона негизида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.

Илгари гемодиализ муолажаларида диализаторлар кўп маротаба ишлатилар эди. Соҳага эътибор туфайли 2019 йил ноябрь ойидан бошлаб гемодиализ беморлар учун диализаторлардан бир маротаба фойдаланишга ўтилди. Бу тиббиётимиздаги инқилобий ютуқ бўлиб, даволаш сифатини кескин ошириш, беморлар умрини узайтириш, қон орқали юқиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди.

Янги марказда буйрак етишмовчилиги касалликларини даволашда энг илғор хизматлар йўлга қўйилади. Бугунги кунда бу ерда иккита янги даволаш корпуси барпо этилмоқда. Жорий йилда 3-4-корпуслар фойдаланишга топширилади. Келаси йили мавжуд бинолар таъмирланади.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

— Юртимизда нефрология ривожланмаган. Айниқса, ҳудудларда клиникалар ҳам, мутахассислар ҳам етишмайди. Кўпчилик беморлар шифохонага касалликнинг охирги босқичида келяпти. Шунинг учун, аввало, одамларнинг бу бўйича билими, хабардорлигини ошириш керак. Қорақалпоғистон ва вилоятларда ҳам шифохоналар ташкил этиб, бу марказ билан онлайн боғлаш, тармоққа айлантириш, тизимли профилактика ишларини йўлга қўйиш зарур, — деди Президент.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

«Халқ сўзи» учун махсус

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН, БАЛКИ БУТУН МИНТАҚА РАВНАҚИ УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Туркиянинг етакчи таҳлил марказларидан бири Анқара Инқироз ва сиёсат тадқиқотлари маркази — ANKASAM директори, профессор Мехмет Сейфитдин Эрол Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, 2020 йил барчамиз учун синов, ҳатто инқироз йили бўлди. Шу билан бирга, эътироф этиш лозимки, глобал пандемия ва унинг мисли кўрилмаган даражада кенг кўламли оқибатларига қарамай, Ўзбекистон турли қийинчилик ҳамда стагнацияларга йўл қўймасдан тараққиётга эришаётган саноқли мамлакатлар қаторидан жой олди.

Асосийси, Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг оқилона қарорлари, қатъий сиёсий иродаси натижасида дунёда ҳукм сураётган инқироз жараёнларини айрим ҳолатларда имкониятга ҳам айлантиришнинг уддасидан чиқяпти. Ҳозирги кунда халқаро майдонда "Янги Ўзбекистон" деб номланаётган жўшқин ислоҳотлар ҳаракати бу синовли даврда ўзини тўла оқлади. Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим ва кучли давлат бўлиб қолаётгани яна бир бор исботланди.

2

«Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Беруниийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

«ҚУЁШЛИҚ ИСТАСАНГ, КАСБИ КАМОЛ ЭТ»

Таълим-тарбия ва илм-фан тараққиёти ҳар қандай мамлакатнинг эртанги кунини, истиқболини белгилаб берувчи асосий мезондир. Юртимизда бу борада шиддатли ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳада туб бурилишларга эришилмоқда. Мазкур йўналишдаги барча саъй-ҳаракатлар таълим сифати ҳамда илм-фан натижадорлигини таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Таълим истиқболлари

Қўқон университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ билан суҳбатимиз маорифдаги туб ўзгаришлар, эришилган ютуқ ҳамда муаммолар хусусида кечди.

— Суҳбатимиз аввалида университетнинг ташкил этилиши, таълим бериш методикасининг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталсангиз...

— Бизнинг таълим муассасамиз Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги "Қўқон университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида иш бошлаган бўлиб, Қўқон шаҳрида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи олий ўқув юрти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги турли таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратиляпти. Нима учун? Чунки бу тизим ишга солинса, таълимда туб ўзгаришлар бўлади, ўзаро соғлом рақобат муҳити шаклланади. Рақобат бор жойда эса ривожланиш кузатилади.

4

Дил сўзи

КУЧИМИЗГА КУЧ, ШИЖОАТИМИЗГА ШИЖОАТ ҚЎШДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳининг ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирлангани улар қалбида чексиз қувонч, фахр-ифтихор уйғотди.

Буни мукофотланганларнинг қуйидаги дил сўзларидан англаш мумкин.

Азиз ТОШПЎЛАТОВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, генерал-майор:

— Кейинги йилларда Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳада катта ислоҳотлар амалга ошириляпти. Ички ишлар идоралари фаолиятидаги туб ўзгариш ва янгиланишлар ҳам ана шундан далолат, десак, муболаға бўлмайди.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 16 январь

БОШ КЕНТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳудудларда фаолият юритаётган шифокорларни ушбу марказда ўқитиб, малакасини ошириш, даволаниш учун моддий имконияти йўқ беморларни давлат ҳимоясига олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Беш қаватли даволаш корпуси 170 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда трансплантация, гемодиализ, реабилитация, экстракорпорал детоксикация, буйрак аутоиммун касалликлари, интенсив нефрология, болалар ва катталар реанимация бўлимлари, шунингдек, нефрология ва гемодиализ, буйрак трансплантацияси мутахассисликлари кафедралари, поликлиника, дорихона жойлашади. Барча бўлимлар юқори технологик тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади.

Икки қаватли яна бир бинода 60 та катталар ва болалар гемодиализ аппаратлари ўрнатилади. Аҳамиятлиси, марказда биринчи маротаба болалар гемодиализ хизмати йўлга қўйилади.

Марказдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва қамрови ошади. Амбулатор ва стационар тартибда 100 дан ортиқ тиббий хизматлар йўлга қўйилади. Жумладан, йилига 60 мингдан ортиқ гемодиализ муолажалари, 150 та ноёб буйрак кўчириб ўтказиш каби юқори технологик амалиётлар бажарилади.

Тиббиёт олий ўқув юртларининг 7 та кафедраси шу ерда фаолият юритади. Бу нефрология соҳасида "таълим — амалиёт — илм-фан" интеграциясини таъминлашга хизмат қилади. Илғор хорижий тиббиёт марказлари билан биргаликда янги даволаш технологиялари ва стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади.

Шунингдек, мазкур муассаса бошқа ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, ҳудудлардаги шифохоналар билан ҳамкорликда аҳолини мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиб боради.

Марказда Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорликда илмий лойиҳалар ва тажриба алмашинув платформаси яратилади. Бугунги кунда Туркиянинг Башкент, Германиянинг Маннгейм университетлари клиникалари, Россиянинг академик В.Шумаков номидаги трансплантология ва сунъий органлар илмий-тадқиқот тиббиёт маркази билан ҳамкорликда маҳаллий кадрларнинг ушбу марказларда малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Келгусида давлат-хусусий шериклик асосида марказни тиббиёт кластерига айлантириб, тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш, хориждаги марказларни мамлакатимиз минтақаларига бириктириб, буйрак касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш сифатини ошириш, диализ ҳамшираларини ўқитиш юзасидан топшириқлар берилди.

Аҳоли турмуш даражасида маҳаллалардаги шароит, инфратузилма ва хизматлар сифати муҳим омил. Ислоҳотлар натижалари, соҳалардаги ўзгаришлар ҳам аввало, маҳаллада сезилади.

Шу боис Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича ишни маҳаллаларда ташкил этиши, муаммоларни ўрганиб, уларга ечим топиши зарурлигини таъкидлаган эди. Шу билан бирга, маҳалла идорасининг ваколатини кенгайтириш, раис ва ходимларнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича ташаббуслар илгари сурилган эди.

Давлатимиз раҳбари шундай ишлар билан танишиш мақсадида Юнусобод туманидаги "Янгибоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Бу ерда 7 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. 2 мингдан зиёд оилалар мавжуд. Янги қурилган маҳалла гузари биносида кенг шароитлар яратилган.

Шу ерда Юнусобод туманидаги маҳаллалар фаоллари билан мулоқот бўлди.

— Маҳалла раиси — Президентнинг қуйи бўғиндаги устуни. Маҳалланинг иқтисодиётини ўзгартирсак, жамиятимиз ўзгаради. Бунинг учун ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастуридан самарали фойдаланиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кўп қаватли уйларга сифатли хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ташкил этиш, ички йўлларни таъмирлаш, маиший хизматларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри туманларининг ҳоким ва сектор раҳбарлари, Юнусобод тумани маҳалла раислари, ёшлар билан мулоқот қилди.

Пойтахтимизда маҳаллабай ишлаш тизими барча туманларда жорий этилмоқда. Шу мақсадда махсус ишчи гуруҳ томонидан Юнусобод туманидаги 63 та маҳалланинг ривожланиш даражаси, мавжуд муаммо ва имкониятлари ўрганилгани қайд этилди.

Бош вазир ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири шу борада ахборот берди.

Юнусобод туманини 2021-2022 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Саноат ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш йўналишида умумий қиймати 14,4 триллион сўмлик 141 та йирик ва ўрта инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Улар доирасида 936 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириб, қарийб 8 мингта янги иш ўринлари яратиш мақсад қилинган.

Ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 1 миллиард сўм субсидия ажратилиб, тумандаги 260 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. Меҳнат органлари йўлланмаси асосида 600 нафардан зиёд ишсизлар касб-ҳунарга ўқитилади.

Инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Хусусан, жорий йилда 75 километр иссиқлик ва 108 километр электр тармоқлари, 101 та трансформаторда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. 86 та кўча капитал таъмирланади.

Йиғилишда маҳалла раислари ўз ҳудудидаги муаммоларни бартараф этиш, шароитларни яхшилаш, янги корхоналар ташкил қилиш бўйича таклифларини айтди. Давлатимиз раҳбари бу бўйича тегишли мутасаддиларга топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН, БАЛКИ БУТУН МИНТАҚА РАВНАҚИ УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

1

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, маҳаллий ҳокимиятларга, қуйи поғонадаги ривожланишга катта эътибор қаратилаётгани, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича бошланган ислоҳотларга алоҳида урғу берилгани, иқтисодий соҳада ҳалол тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга қаратилган кескин кураш янги давлат тизимини шакллантиришда муҳим натижаларни бера бошлади. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар нафақат ушбу мамлакат, балки айтиш мумкинки, бутун минтақа барқарорлиги учун катта аҳамиятга молик.

Ўтган йилда аҳоли соғлиғини сақлаш тизими Ўзбекистонда янги босқичга кўтарилганини кўрдик. Пандемиянинг илк кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва тиббиёт муассасалари фаол ишлаб, беморлар тўлиқ қамраб олинди. Тошкент шаҳри ҳамда ҳудудларда барча шароитга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилгани диққатга сазовордир. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси давридан кам зарар билан чиқилиши ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди.

Энг муҳими, пандемия даврида қатор мамлакат ва минтақаларда инқироз ҳамда танглик ҳолатлари кузатилганига қарамасдан, Ўзбекистонда барқарорлик сақлаб қолинди, Марказий Осиёда "барқарорлик ороли" сифатида яна бир бор ўз мавқеини мустаҳкамлади.

Олий Мажлисга Мурожаатномада олдинги йиллардаги каби бу гал ҳам ташқи сиёсат масалаларига кенг тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон олиб бораётган очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни эътироф этмаслик мумкин эмас. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик, стратегик шериклик ҳамда ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларда Ўзбекистон раҳбариятининг ёндашуви катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилда ҳокимиятга келгач, амалга оширилган бу йўналишдаги туб ўзгаришлар бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда. Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Евроосиёда муҳим мамлакат сифатида қад ростламоқда, десак, муболаға бўлмайди.

> "Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг оқилона қарорлари, қатъий сиёсий иродаси натижасида дунёда ҳукм сураётган инқироз жараёнларини айрим ҳолатларда имкониятга ҳам айлантиришнинг уддасидан чиқяпти. Ҳозирги кунда халқаро майдонда "Янги Ўзбекистон" деб номланаётган жўшқин ислоҳотлар ҳаракати бу синовли даврда ўзини тўла оқлади."

Шу ўринда Ўзбекистон лидери ҳам Олий Мажлисга Мурожаатномасида, ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида таъкидлаб ўтган минтақавий транспорт-коммуникацияларининг аҳамиятини алоҳида қайд этиш зарур. Дарҳақиқат, бу масалалар мамлакатингизнинг бугуни ва келажаги учун ўта муҳим ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон ҳам тарихий Буюк Ипак йўли ҳамда замонавий "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида марказий роль ўйнаши мумкин. Яна бир жиҳат, бу — Трансафғон лойиҳаси. Мазкур лойиҳа ва унда қатнашиши кўзда тутилаётган бошқа субъектларни инобатга олсак, Ўзбекистон ўзининг бутун теварак-атрофи бўйича долзарб ташаббусларни бошлаганини кўришимиз мумкин. Ушбу лойиҳалар келгусида ўз мевасини бериб, Ўзбекистон ва минтақа тақдирида жиддий ўрин тутиши эҳтимоли юқори, албатта.

Ушбу йўллар ва лойиҳаларнинг амалга оширилишида ҳамда хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистоннинг геостратегик ўрни катта аҳамиятга эга. Президент ўз нутқида қўшни Афғонистон заминида тинчлик ўрнатилишига қаратилган эътибори ва бу эзгу йўлда амалий ёрдамга тайёр эканлиги мазкур жараён учун жуда муҳим. Тинчликпарвар ҳамда сулҳпарвар Ўзбекистоннинг роли Афғонистонда доимий тинчликка эришиш учун зарур омиллардан биридир.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳозирги даврда халқаро муносабатларда янги замонавий дунё тартиби шаклланар экан, Марказий Осиёдаги муҳим мамлакат сифатида Ўзбекистон олдинги ўринларга чиқмоқда. Ўзбекистон Евроосиёдаги барқарорлик ва тинчлик рамзи сифатида гавдаланмоқда. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ушбу муваффақиятида минг йилларга дахлдор тажрибаси, кўҳна маданияти ва давлатчилик тарихининг ҳам алоҳида роли бор. Бу омилларни тўғри ишга солишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати ҳамда ўзбек халқининг қўллаб-қувватлаши асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДАГИ ЎРНИ ҲАМДА РОЛИНИ ЯНАДА ОШИРДИ

Ўзбекистоннинг Алматидаги Бош консулхонаси томонидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятига бағишланган "Янги Ўзбекистон — Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиёт омили" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

Тадбирда эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан қозоғистонлик сиёсатшунослар Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти, унда ифодаланган ривожланишнинг стратегик мақсадлари, Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили доирасида режалаштирилаётган чора-тадбирлар кўлами, жумладан, таълим ҳамда тарбия, илм-фан ва инновациялар равнақи, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш ва бошқа кўплаб ташаббусларга юқори баҳо берди.

Мурожаатноманинг Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига бағишланган қисми, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги вазифалар, Ташқи сиёсат концепциясини такомиллаштириш ва Афғонистондаги тинчлик жараёнига кўмаклашиш масалалари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Қозоғистон — Германия университети профессори Рустам Бурнашев Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси мамлакатдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни бажаришга қаратилган мукаммал ва стратегик жиҳатдан пухта тайёрланган ҳужжат эканини таъкидлади. Экспертнинг сўзларига кўра, ҳужжатда истиқболдаги мақсадлар тизимли тарзда ифодаланган ҳамда бугун Ўзбекистон жамоатчилиги диққат марказида турган барча сиёсий ва иқтисодий масалалар ҳисобга олинган. Рустам Бурнашев, шунингдек, мамлакатнинг ички барқарор ривожланиши учун қулай ташқи муҳитни яратиш, халқаро майдонда миллий манфаатларни самарали илгари суришга йўналтирилган Ўзбекистон ташқи сиёсат концепциясини янада такомиллаштириш аҳамиятига эътибор қаратди.

Сиёсий шарҳловчи Айдархан Кусаинов Мурожаатномада давлат органлари олдига республикадаги ижтимоий вазиятни янада яхшилаш ва иқтисодиётнинг барча соҳасини ривожлантириш бўйича вазифалар қўйилганини таъкидлади. "Ўзбекистон мураккаб иқтисодий вазиятдан чиқиш ва аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишнинг босқичма-босқич йўлини танлаган. Шунингдек, ҳукуматнинг пандемия таъсирини бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлари эътиборга лойиқ", деб таъкидлади у.

Роза Люксембург жамғармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси лойиҳа менежери Ирина Черних Қозоғистон экспертлар ҳамжамияти 2016 йилдан бери Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётгани ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча жабҳасидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этаётганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, айниқса, "янги Ўзбекистон" тушунчаси алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур тушунча мамлакат тараққиётидаги янги босқични, мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги янгича ёндашувларни, демократик ислоҳотлар жараёнининг ўзгармаслигини англатади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасида ёрқин ифодаланган. Эксперт, шунингдек, бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини қайд этди. Бу эса минтақада амалга оширилаётган жараёнларга ижобий таъсир кўрсатадиган янги ташаббусларни илгари суришга имкон бермоқда.

Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти бош илмий ходими Леся Каратаева Мурожаатномада мамлакатнинг барча минтақасидаги мактабларда тенг даражада таълим сифатига эришиш бўйича вазифалар қўйилганини таъкидлади. Шунингдек, у олис ҳудудлардаги мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш ва таълим сифатини оширишга қаратилган махсус дастур ижроси бўйича ташаббус юқори баҳога лойиқ эканини қайд этди. Мутахассис янги IT-парклар ташкил қилиш, ёшлар эҳтиёжларига муносиб жавоб бериш ва янги стартапларни қўллаб-қувватлаш орқали минтақавий даражада рақамлаштиришни ривожлантириш бўйича стратегик ёндашувни эътироф этди. Леся Каратаеванинг фикрига кўра, гендер сиёсати долзарб масалаларига ечим топиш, шу жумладан, аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил шахс сифатида шаклланиши учун қулай шароитлар яратиш, хотин-қизларни давлатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётига фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг Қозоғистондаги туризм элчиси Лаззат Аханова Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси янги Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиёт омили сифатидаги ўрни ҳамда ролини янада оширганини таъкидлади.

«Дунё» АА.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳамид Найирободий билан учрашди.

Ҳамкорлик

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Эрон парламентларида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари парламентлараро муносабатлар ривожланишига хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти қонун ижодкорлиги, парламентаризм, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини кенгайтиришга қаратилган. Айни пайтда эса тажриба алмашиш мақсадида доимий мулоқотлар йўлга қўйилмоқда.

Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар кенгайиб, сиёсий соҳадаги сермаҳсул мулоқот фаоллашганлигини ижобий баҳолади. Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадал суръатларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, шу жумладан, Ўзбекистондаги мажбурий меҳнат муаммосини бартараф қилиш бўйича кўрилаётган самарали чора-тадбирлар ва эришилган натижаларни ҳамда болалар меҳнатига барҳам берилганини алоҳида эътироф этди.

Томонлар ҳар икки мамлакат парламентлари аъзолари ўртасида барча даражадаги алоқаларни тизимли давом эттиришдан манфаатдор эканлигини билдирдилар. Ўзбекистон — Эрон ўртасидаги амалий мулоқотни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ҳам парламентлараро муносабатларнинг ўрни юқорилиги таъкидланди.

Шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, туризм, маданий-гуманитар ва ўзаро манфаатли йўналишлардаги ишларни янги сифат босқичига кўтариш масалаларига эътибор қаратилди.

Мунисхон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Яқинда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ташаббуси билан Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларидаги тарбияси оғир ёшлар ҳамда имконияти чекланган йигит-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Уларда аниқланган муаммолар тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида муҳокама қилиниб, ҳал этилди.

Очиқ мулоқот

Хусусан, ушу жараёнда туман ва шаҳарлар ички ишлар профилактика ходимлари рўйхатига олинган 100 дан зиёд ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилди. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида уларнинг 30 нафарини рўйхатдан чиқариш бўйича тавсия берилди. Улар ўз ихтиёрига кўра, касб-ҳунар ўргатадиган бепул ўқув курсларига, турли тўгарак ва спорт машғулотларига жалб қилинди.

Оҳангарон туманидаги 10-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган ана шундай учрашувда бир гуруҳ ота-оналар ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тўгараклар ҳамда спорт анжомлари етарли эмаслигини маълум қилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлими томонидан ўқув масканига керакли жиҳозлар етказиб бериладиган бўлди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари вилоятдаги битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш, бандлигини таъминлаш бўйича ишларни бевосита ўрганиш мақсадида Оҳангарон шаҳридаги мактаблар битирувчилари билан ҳам суҳбатлар ўтказди. Уларга мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртлари ректорлари таклиф этилиб, соҳадаги ислоҳотлар ҳамда талаба-ёшларга яратилган имкониятлар тўғрисида сўз юритилди. Оҳангаронлик йигит-қизларнинг таклиф ва муаммолари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, назоратга олинди.

Навбатдаги учрашувда эса Ангрен шаҳридаги 34-таянч ҳаракати аъзолари шикастланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари томонидан ўқишдан бўш вақтларда компьютер тўгаракларига қатнашиш ва хорижий тилларни ўрганиш истаги билдирилди. Бу масала ҳам тезда ижобий ечим топди, яқин кунларда ўқув муассасасига зарур мураббийлар бириктирилади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Халқимизда "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган нақл бор. Ушбу ҳаётий ўгитдан келиб чиққан ҳолда, сўнгги йилларда ён атрофимиздаги давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ва ишончли шериклик муносабатларини ўрнатиш масаласига жиддий эътибор қаратиляпти.

Акс садо

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ташқи сиёсат борасида белгиланган устувор вазифалар ижроси ўзаро ҳурмат, дўстлик ҳамда яхши қўшничилик тамойилларини янги поғонага кўтариши, шубҳасиз.

Айниқса, ушбу дастуриламал ҳужжатда Афғонистон заминида тинчлик ўрнатилишига қатъий ишонч ҳамда бу эзгу йўлда Ўзбекистон амалий ёрдамини бундан кейин ҳам аямаслиги алоҳида таъкидланди. Бу эса Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш, афғон муаммосини муроса йўли билан ҳал этиш халқаро кун тартиби марказида бўлишига хизмат қилади.

Бундай ёндашув ушбу мамлакат иқтисодиётини қайта қуриш, ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш, илмий салоҳиятини, тўлақонли таълим тизимини йўлга қўйиш бўйича бошланган ишларни янада ривожлантиришга ҳам туртки беради.

Мурожаатномада қайд этилганидек, ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамлар ташланмоқда. Мазкур лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бир томондан, Афғонистонга унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўприк сифатидаги ролини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан, бутун минтақада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилади.

Бу ташаббус Афғонистоннинг кенг миқёсда ривожланиши ва минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга қўшилишида муҳим аҳамият касб этади, узоқ муддатли мўътадил вазиятнинг зарур шарти сифатида тинч иқтисодиётни тиклайди. Айни чоғда Марказий Осиё мамлакатларининг транзит салоҳиятини кучайтиришда қўшимча имкониятлар эшигини очади, транспорт ҳамда энергетика лойиҳаларини ишга туширишда ўзига хос омил бўлади. Кобул шаҳрини ташқи дунё билан боғлайди, мамлакатда инфратузилма равнақига суръат бағишлайди.

Умуман, давлатимиз раҳбари Мурожаатномада афғон заминида 40 йилдан буён ҳукм сураётган кескинлик ва қуролли можаро барҳам топиши, қўшни ўлкада осойишталик ҳамда барқарорлик миқёси кенгайишига қатъий ишонч билдирди. Мақсад аниқ — Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий юксалиши учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.

КУЧИМИЗГА КУЧ, ШИЖОАТИМИЗГА ШИЖОАТ ҚЎШДИ

1

Бугунги ички ишлар органлари ходимлари, кечаги ички ишлар идоралари ходимлари эмас. Тизим фидойилари ҳудудларда жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса, унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, шу билан бирга, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боряпти.

Камтарона хизматларим юқори баҳоланиб, юксак унвон билан тақдирландим. Бу ишга бўлган масъулиятим ҳамда жавобгарлигимни икки карра оширади, албатта.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида соҳада қилиниши лозим бўлган устувор йўналишларни белгилаб берди. Шундан келиб чиқиб, ушбу вазифаларни сўзсиз бажариш ҳамда янги Ўзбекистонга мос янги ички ишлар ходими бўлишга ваъда бераман. Зеро, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш мен учун олий бахтдир.

Ғафур БАБАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командири, II даражали “Шон-шараф” ордени соҳиби:

— Гувоҳи бўлиб турибмизки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида катта ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, ёшлар учун ҳарбий техника, қуролярағни ўрганишга ва уларни пухта эгаллашга катта имкониятлар яратилмоқда. Уларни жанговар шайликда дала ўқув машғулотларида синаш учун бизда барча шарт-шароит бор. Буларнинг ҳаммаси миллий армиямизни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганимдан ғоят ғурурландим. Ватан ҳимоячиси бўлиш нақадар шарафли ва олижаноб касб эканлигини яна бир бор чуқур ҳис қилдим. Ушбу юксак мукофот нафақат менга, барча яқинларимга, хизматдош дўстларимга берилди, деб биламан.

Бундай эътибор ва ғамхўрликни қадрлаган ҳолда биз, ҳарбий хизматчилар юртимизга содиқ фарзанд бўлиб, олдимизга қўйилган ҳар қандай вазифаларни, топшириқларни виждонан бажаришга сўз берамиз.

Улуғбек НУРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта мутахассиси, “Жасорат” медали соҳиби:

— Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан тақдирланганим кучимга куч, шижоатимга шижоат қўшди.

Қуролли Кучларимиз салоҳияти мунтазам кучайиб бормоқда. Албатта, бу давлатимиз раҳбари томонидан соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасидир. Табиийки, бу, ўз-ўзидан зиммамиздаги масъулиятни оширади.

Ҳарбийларимиз Халқаро армия ўйинларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. Жумладан, 2019 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган танловда ўз сафдошларим билан фахрли 2-ўринни, 2020 йилнинг август ойида Россия Федерациясидаги мусобақада 1-ўринни қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини сарбаланд кўтардик. Бу юртимизда ҳарбий хизматчиларга яратилаётган кенг имкониятлар, берилаётган эътибор самарасидир.

«Халқ сўзи».

ОНА ВАТАНГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС ВАЗИФА

Дунёда касблар кўп, аммо Ватан ҳимоячиси бўлиш уларнинг ичида энг шарафлисидир. Зеро, бу киндик қони тўкилган тупроқ, шу мустақил юртни асраб-авайлаш — ҳар бир инсоннинг ўз оиласи, шаъни ва ор-номусини ҳимоя қилиш демакдир.

Фикр

Сўнгги йилларда миллий армиямизга, унинг куч-қудратини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринасида устувор вазифа сифатида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойили, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни янада ривожлантириш, давлатимиз мустақиллиги ҳамда суверенитетини мустаҳкамлаш аниқ белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия ҳамда Мудофаа саноати давлат қўмитаси тузилди, ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар Академиясининг фаолияти тубдан қайта қурилди.

Бугун юртимизнинг забардаст ўғлонлари — кўплаб фидойиларимиз ҳарбий қасамёдига монанд хизмат қилмоқда. Ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган шарафли касб эгалари учун ҳарбий қасамёд — шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ор-номуси билан онт ичиб, масъулият билан ахд қилиш тантанасидир. Она Ватанга садоқат билан хизмат қилиш эса муқаддас вазифа. Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ҳамда хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ҳамда ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида нафақат ҳарбийларга, шу билан бирга, уларга маънавий куч бўлиб турган ота-оналарига, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини енгишда турмуш ўртоқларига елкадош бўлаётган меҳрибон ҳамда сабр-тоқатли рафиқаларига ҳам улкан миннатдорлик билдирди. Бу, ўз навбатида, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони соҳанинг оғири ва машаққатини бирдек ўз зиммасига олиб келаётган ҳарбийлар оилаларининг кечинмаларини теран ҳис этишини англатади.

Шу боис сўнгги йилларда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор кучайди, бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимиз ҳудудларида улар учун барча қулайликка эга кўплаб уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар Президентимиз таъбири билан айтганда “Армия ва халқ — бир тану бир жондир” деган улуғ ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Акшагул ТУЛЕГЕНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Қонун ижодкорлиги:

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар янги Ўзбекистоннинг тавсифларига монанд равишда изчил давом эттирилмоқда. Улардан кутилаётган натижалар марказида, албатта, давлатнинг халққа хизмат қилишини кучайтириш ва давлат органларининг мажбуриятлари бўйича масъулиятини ошириш ётади.

Нуқтаи назар

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқ манфаати хизматида бўлишини таъминлашга қаратилган бир неча самарали воситалар тўғрисида қатор таклифлар киритилган. Энг аввало, давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари шаффофлашиши ҳал этувчи аҳамиятга эгалиги қатъиятлилик билан таъкидланган.

Тўғри, очиқлик ва ошкоралик муҳитига бирданига ўтиб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб боряпмиз.

Юртбошимизнинг мазкур хулосаси Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги очиқ ва шаффоф бўлишини таъминлаш бўйича ислоҳотларни давом эттириш учун раҳбарий қоида саналади. Зеро, қонун ижодкорлиги ошкоралик тамойили доимий ва сўзсиз татбиқ этиладиган, акс ҳолда ўз мазмун-моҳиятини йўқотадиган давлат ҳокимияти фаолияти ҳисобланади.

Қонунларни қабул қилиш том маънода айтганда, халқ вакилларининг муҳокамаси ва маслаҳатлашуви асосида юз беради. Бу катта жараён. Унда халқ вакиллари билан бир қаторда, кўплаб олимлар, мутахассислар, экспертлар ва фуқаролар қатнашади. Таъкидлаш керакки, бундай услуб қонун лойиҳасини ташаббус қилиш босқичидаёқ юз беради. У бўйича тегишли давлат ва нодавлат органларининг фикри олинади. Айрим ҳолларда лойиҳа ташаббус қилинмасдан аввал бир ёки бир неча йиллар мобайнида тегишли тарзда жамоатчилик муҳокамасида бўлади.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида қонун лойиҳасини халқдан яшириш, пинҳона қабул қилишга зўр иштиёқ бўлган чоғда ҳам уни амалга ошириб бўлмайди. Халқ ва матбуотчиларнинг назорати жуда кучли. Сирасини айтганда, қонун ижодкорлиги ишлари ошкоралик воситалари билан чамбарчас боғланиб кетган. Жараённи бусиз тасаввур этиш қийин. Акс ҳолда мантиқ бўлмайди. Буни ҳамма билади, уни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Қолаверса, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, қайта ишлаш ва муҳокама қилишда депутатлар иштирокининг ўзиёқ мазкур жараёнларнинг очиқ ва шаффоф эканлигини инкор этиб бўлмайдиган асосдир. Чунки депутат халқ вакили, ундан ажралган ҳолда фаолият юритиши мумкин эмас. Депутатнинг лойиҳадан хабардорлигини жамоатчиликнинг хабардор бўлиши билан тенглаштирса бўлади. Сайловчилар билан учрашувида, албатта, депутатнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишдаги иштироки тўғрисида савол кўтарилади ёки унинг ўзи бу ҳақда сўзлаб беради. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳаларини қабул қилишга “ёпиқ суд” тамойилини қўллаб бўлмайди. Бундан ташқари, қонун лойиҳалари қабул қилинишидан олдин жамоатчилик муҳокамаси учун Қонунчилик палатаси веб-сайтида жойлаштирилади, депутатларнинг шахсий планшетларига ташлаб берилади. Матбуотнинг уларни чоп этиш ҳуқуқи кафолатланган. Лойиҳа бўйича жамоатчилик иштирокида семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатлари ўтказилади. Энг муҳими, бу тадбирларда ОАВ вакиллари қатнашади.

Ўз ўрнида яна шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда депутатларнинг қонун лойиҳаларини сайловчилар орасида муҳокама қилишининг очиқлиги ва ошкоралиги нуқтаи назаридан жаҳон амалиётидан ортда қолаётган жойи йўқ. Аввалги пайтлардан фарқли ўлароқ, эндиликда палата вакилларининг ҳар ой охирида сайловчилар билан учрашув ўтказишлари қонунчиликда кўзда тутилган. Бундан ташқари, депутатлар ҳудудлардаги маълум бир масалаларни ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳларнинг аъзолари сифатида ҳам аҳоли билан мулоқотда бўлади. Албатта, бу учрашувларда қонун лойиҳалари ва уларни қабул қилиш масалалари муҳокама қилинади.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда нафақат қонун ижодкорлиги соҳасида, балки давлат ҳокимияти ва бошқарувида жорий этилаётган очиқлик тамойилларининг кенг татбиқ этилаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинмоқда. Глобал жараёнлар чуқурлашаётган бир пайтда халқаро ташкилотларнинг ижобий фикрини олишнинг ўзи катта натижадорликдир.

Йўлдош ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони масъул ходими, юридик фанлар доктори.

«СПОРТНИ СЕВ, СПОРТ БИЛАН ЯША!»

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан юрт посбонлари ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этилди.

Беллашув

Хусусан, Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ходимлари ўртасида “Спортни сев, спорт билан яша!” шиори остида минифутбол бўйича турнир ўтказилди.

— Президентимизнинг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилган ушбу тадбир Ватан ҳимоячилари байрамига ҳамоҳанг ўтди, — дейди ИИВ Ахборот хизмати ходими, лейтенант Нилуфар Тўрахонова. — Мақсадимиз вазирликнинг таркибидаги тузилмалари ходимлари ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Бу йўналишда алоҳида чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган.

Беллашувда 16 та терма жамоа ўзаро куч синашди. Муросасиз кечган мусобақа якунига кўра, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси терма жамоаси 1-ўринни, Ички ишлар вазирлиги Академияси 2-ўрин ҳамда вазирликнинг Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти 3-ўринни қўлга киритди.

Шу билан бирга, жамоалар ўртасида “Энг яхши дарвозабон” ва “Энг яхши ҳужумчи” номинациялари бўйича ҳам энг муносиблар аниқланди.

Ғолиб ҳамда совриндор жамоалар кубок ва диплом, шунингдек, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Р. ОТАМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНИБ, ЯНГИ ИСТИҚБОЛ САРИ

Ўтган йил бутун инсоният учун катта синов даври бўлди. Дунё халқларини ўз исканжасига олган пандемия талафотларини камайтириш, таъбир жоиз бўлса, жиловлаш чора-тадбирлари мамлакатимизда бу офатнинг салбий оқибатларини камайтиришга имконият яратди.

Мушоҳада

Аммо коронавирус пандемияси барча соҳа ва тармоқларга ўз таъсирини кўрсатди. Шундай оғир вазиятда фуқароларнинг даромадлари камайиб кетмаслиги, корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиётга тадбиркорлар тиргак бўлишда давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Жумладан, карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди. Ушбу имтиёз ишбилармонларга жуда катта кўмак берди.

Биргина қурилиш соҳасини олайлик. Пандемия даврида қурилиш ишлари тўхтаб қолгани йўқ. Аҳолини иш билан таъминлаш, карантин даврида қурилиш ҳажми камайишига йўл қўймаслик мақсадида қўшимча маблағ ҳам ажратилганини қайд этиш керак. Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида айтилганидек, тадбиркорлик субъектлари учун берилган имтиёзлар жорий йилнинг якунига қадар узайтирилиши бизни ҳам ғоят қувонтирди.

“Сурхон саноат қурилиш” компанияси ўз фаолиятида давомида, асосан, учта йўналиш — қурилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётир. Бугунги кунга келиб, компаниямиз таркибида 25 та корхона иш олиб бормоқда.

Майдаланган тошлар, бетон плиталари, ФБС, қамишдан ДСП, ЛДСП, ғишт маҳсулотлари, МДФ эшиклари ва замонавий мебеллар ишлаб чиқариш каби тармоқларимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозорни тўлдиришга ҳам имкон бермоқда. Бундан ташқари, компания вилоят ҳудудида юк ташиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам етакчиликни сақлаб келяпти.

Айни кунда ҳам вилоят марказида аҳоли яшаши учун қулай бўлган кўп қаватли уйлар барпо этяпмиз. Бундай кенг кўламли қурилиш ишлари туманларда ҳам жадаллик билан олиб борилянпти. Компания таркибидаги ишлаб чиқариш қувватлари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар қўшни Афғонистон ва Тожикистон Республикасига экспорт қилинмоқда.

Мурожаатномада Президентимиз томонидан жорий йил ва яқин келажакда бажарилиши зарур бўлган устувор мақсад ҳамда вазифалар белгилаб олинди. Айниқса, халқимизни кучли ижтимоий ҳимоялаш ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир амалий ишлар изчил давом эттирилиши айни муддао.

Демак, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномада илгари сурган фикрлари, ташаббус ва ҳаётбахш ғоялари ягона эзгу мақсад — халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилашга, мамлакатимиз равнақига, янги Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади.

Баҳодир ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Сурхон саноат қурилиш» компанияси директори.

2020 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАНЧА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИЛДИ?

Анжуман

Бу ҳақда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида 2020 йилдаги фаолият якунлари таҳлили ҳамда 2021 йилга мўлжалланган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган очиқ мулоқот шаклидаги брифингда айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқовнинг айтишича, ўтган йили инвестиция ва ташқи савдо бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2019 йилдагига нисбатан 101,5 фоизни ёки 6,6 миллиард долларни ташкил этди. Инвестиция дастури доирасида 197 лойиҳа амалга оширилди ва шунинг ҳисобига 38 минг иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, ҳудудий инвестиция дастурларига кўра жами 59,1 триллион сўмлик 10 минг 586 лойиҳа бажарилди ва бу 131,5 мингта иш ўрни ташкил этилишига имкон берди.

Шунингдек, тадбирда ташқи савдо фаолияти кўрсаткичлари кўриб чиқилди — хусусан, 2020 йил якунларига кўра, экспорт ҳажми 15,1 миллиард доллар бўлгани таъкидланди. Шу билан бирга, 47 турдаги янги маҳсулотларни экспортга етказиб бериш йўлга қўйилди ва бир қатор мамлакатларнинг истиқболли бозорларига чиқишга эришилди. Ушбу натижаларни қўлга киритишда пандемиянинг республика ва ҳамкор мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этишни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнади.

Бундай чора-тадбирлардан бири — тадбиркорлар ва экспортчилар билан бевосита ишлаш, пандемия сабабли жорий этилган чекловларга алоқадор муаммоларни таҳлил қилиш, шунингдек, ҳар бир ишбилармонлик субъекти билан алоҳида ишлашга қаратилган ёндашув асосида тезкор ҳамда самарали ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун вазирликлар, идоралар ҳамда давлат органлари вакилларидан иборат Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг ташкил этилганидир. Комиссия аъзоларининг жойларга чиққан ҳолда олиб борган ишлари натижасида ўтган йил якунларига кўра, 98 мингдан зиёд корхоналар фаолияти манзилли ўрганилиб, 5 минг 902 та корхонанинг 6 минг 235 та муаммоси аниқланди. Уларнинг ҳар бири тегишли вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, маҳаллий ҳокимликлар ва республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан яқин ҳамкорликда ҳал этилди.

Шу билан бирга, комиссия вазифаларига тадбиркорлик билан шуғулланиш шароитларини яхшилаш ва инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари ҳамда экспортчиларга амалий ва молиявий кўмак беришга қаратилган тизимли механизмларни ишлаб чиқиш ҳам киритилди. Ушбу ечимлардан бири — замонавий молиялаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда экспортни молиялаштиришни жорий этишдир. Айланма маблағларни тўлдириш мақсадида экспорт қилувчиларга берилган кредитлар миқдорининг 50 фоизигача бўлган қисмини кафолатлаш тартиби ҳам йўлга қўйилди.

Прогнозларга кўра, 2021 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 10,5 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда, шундан 7,6 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларидир. Ўз навбатида, 226 та йирик, юқори иқтисодий аҳамиятга эга саноат лойиҳаси ишга туширилади ва 34 мингта иш ўрни яратилади.

Ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 94,8 триллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиши ва 7 минг 106 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида қарийб 162 минг киши ишга жойлаштирилади.

Шу нуқтаи назардан, жорий йилда МДҲ мамлакатлари, Марказий ва Жанубий Осиё, Туркия, Жанубий Корея ҳамда Хитойдан импорт таркибининг ўрганилиши, шунингдек, тармоқ ва ҳудудларнинг инвестиция ҳамда саноат салоҳиятининг батафсил таҳлили ўтказилади. Ушбу кўрсаткичларни ўзаро таққослаш инвестиция таклифларини ишлаб чиқишга янгича ёндашиш имконини беради ва ушбу лойиҳаларни амалга оширишнинг юқори иқтисодий самарасини таъминлайди.

Жорий йилда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ипакчилик, электротехника ва бошқа соҳаларда экспорт ҳажмининг сезиларли даражада оширилиши ҳисобига экспортнинг кутилаётган миқдори 17 миллиард доллардан ортиқ бўлиши таъминланади. Айни чоғда 2 мингдан зиёд янги корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш ва 120 янги турдаги тайёр маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Шу йилнинг 10 январь куни Жиззах шаҳрида қурилаётган 6 қаватли бино қулаб тушган эди. Оммавий ахборот воситалари, соҳа вакиллари, умуман, бутун жамоатчилик эътиборини тортган ушбу ҳодиса, таъбир жоиз бўлса, қурилиш борасидаги ишларни таҳлил қилишга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга ундади.

ЖИЗЗАХДАГИ БИНО ҚУЛАШИ САБАБЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжуманида бинонинг қулаб тушиш сабаблари, бунга омил бўлган ҳолатлар айтилиши баробарида, қурилиш вазири Ботир Зокиров соҳада амалга оширилаётган ва бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида маълумот берди.

Аниқланишича, Жиззах шаҳри, “Зилол” МФЙ, Мустақиллик кўчасида 1-қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 ва 3-қаватлари турaржой биноси қурилиши объекти бўйича буюртмачи “Баракали қоракўл чорвадор” фермер хўжалиги томонидан Жиззах вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясига Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-қарорига асосан Давлат хизматлари маркази орқали 2020 йил 29 январь куни мурожаат қилинган. Ўз навбатида, ушбу мурожаат инспекция томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиниб, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома берилган.

Дастлаб, “Жиззах Бунёдкор Лойиҳа” МЧЖ томонидан бинонинг уч қаватли лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва бу бўйича “Шаҳарсозлик ҳужжатлари” ДУК Жиззах вилояти филиали томонидан 2020 йил 27 январда ижобий йиғма эксперт хулосаси олинган. Шунга қарамасдан, буюртмачи-пудратчи томонидан хўжалик усули билан 1 ҳамда 2-қаватларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда 3 — 6-қаватларда турaржой бинолари қурилиши бўйича “DISCOVERY ARCHITECTS GROUP” МЧЖ томонидан лойиҳа қайта ишлаб чиқилган. Бунда вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилмаган, лекин “Шаҳарсозлик ҳужжатлари” ДУК вилоят филиалидан 2020 йилнинг 12 октябрида ижобий йиғма эксперт хулосаси олинган.

Буюртмачи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган (*уч қаватли бино олти қаватга, лойиҳа-смета ҳамда экспертиза хулосаси ўзгартирилган*), Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги қарорига биноан, 10 кунлик муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш киритилиб, экспертизадан ўтказилганлиги юзасидан ҳудудий инспекцияга маълумот берилмаган.

Объектда қурилиш-монтаж ишлари 2020 йилнинг март ойида бошланган. Бажарилаётган ишларнинг лойиҳага мослиги, уларнинг сифати устидан ҳудудий назорат инспекция инспекторлари томонидан 6 марротаба назорат тадбири ўтказилган. Аниқланган камчиликлар бартараф этилиши юзасидан 2020 йил 21 августда буюртмачи ва пудратчи ташкилот “Баракали қоракўл чорвадор” фермер хўжалиги (иш юритувчиси А. Бобоев)га “Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш”нинг талабига зид равишда объектда, лойиҳада келтирилган ўлчамларни натурага кўчириш ва вертикал режалаштириш далолатномалари, олиб келинган темир-бетон плита, ғишт, арматура ва цемент маҳсулотларига мувофиқлик сертификати тақдим этилмаганлиги, умумий ва махсус иш юритиш журналлари юритилмаганлиги ҳамда яширин ишларни гувоҳлаш далолатномалари расмийлаштирилмаганлиги, уй-жойнинг пойдевор ва девор ишларида бажарилган қуйма бетонларнинг лойиҳавий мустаҳкамлигига мос келиши бўйича қурилиш-синов лаборатория хулосаси тақдим этилмаганлиги бўйича кўрсатмалар берилган. Лекин буларга амалда риоя қилинмаган. Оқибат эса барчага маълум.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2021 йил 16 январь

«ҚУЁШЛИҚ ИСТАСАНГ, КАСБИ КАМОЛ ЭТ»

1 “Биз ҳам бошқалардан кам эмасмиз” деган ижобий маънодаги фикр пайдо қилади ва бу, ўз навбатида, олий ўқув юртлари бўладими, мактаб ёки мактабгача таълим муассасаси бўладими — таълим сифатининг ошишига олиб келади. Бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Университетимиз ҳам ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ўз вазифаларини тизимли амалга ошириб келмоқда. Хусусан, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, олий маълумотли рақобатбардош ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ўқув жараёнининг илмий тадқиқот фаолияти билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, мамлакат ҳудудларидаги ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича барча зарур чорани кўряпмиз.

Шу билан бирга, университет олдига бир қатор муҳим вазифалар ҳам қўйилганди. Жумладан, Ўзбекистон олий таълим дастурлари билан бирга, дунёнинг нуфузли ўқув муассасаларининг дастурларини амалга жорий этиш. Қолаверса, республика иқтисодиёти реал секторлари тармоқларининг эҳтиёжларини назарда тутиб, мутахассис тайёрлаш, хорижликлар билан тажриба алмашиш ҳам эътиборимизда.

Ўқув режаларига замонавий фанларни киритиб бориш, инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни татбиқ қилиш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, илм-фан ҳамда техниканинг янги ютуқларини жорий этиш асосий масалалардан биридир.

Фан-техника тараққиётининг шиддат билан ўсиб бориши мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илмий тадқиқотлар аҳамиятини янада кучайтирди. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари томонидан илмий-техник равнақнинг фундаментал асоси бўлган аниқ фанлар юксалишини рағбатлантириш ҳамда иқтидорли ёшларни кашф қилиш бўйича ўзига хос селекцияни амалга ошириш мақсадида инвестицион дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Бу ютуқларимиз мезони бўлади.

Ҳозирги кунда нодавлат олий таълим ташкилотимиз замонавий коммуникация технологиялари, ўқув ва илмий адабиётлар, компьютер техникаси билан таъминланган. Ўқув жараёнига таълим технологияларини йўналтириш ишларига ҳам алоҳида урғу беряпмиз. Университетга танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилингани кўзланган мақсадларимизга эришишда қўл келяпти.

Бундан ташқари, ҳар йили ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли, иқтидорли ҳамда ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган фарзандлари орасидан танлов асосида университет гранти бўйича абитуриентларни ўқишга қабул қиляпмиз. Бу ҳам ижтимоий ҳимоя масаласига аҳамият қаратилаётганидан далолатдир.

— Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таълимни ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди, шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг парламентга ва шу орқали халқимизга йўллаган Мурожаатномасида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, айниқса, илм-фан, таълим соҳасини янги поғонага олиб чиқиш, ёшларнинг иқтидори ҳамда салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилиши юзасидан жуда кўп таклифлар илгари сурилди.

Мурожаатномада жорий йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлаши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қувонарлиси, ўтган йили илк бор математика, кимё-биология ҳамда геология фанлари таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилгани кўплаб ютуқларга асос бўлди. Жумладан, салкам юзга яқин ихтисослаштирилган мактаблар очилди. Ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилиши билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи ҳам оширилди. Буларнинг барчаси таълим фидойиларига мотивация беряпти.

Шу нуқтаи назардан, мазкур муҳим ҳужжатда 2021 йил учун устувор илм-фан йўналишлари аниқ белгилаб берилгани бизнинг фаолиятимизда дастуриламал бўлмоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Талаба-ёшларнинг



иқтидори ҳамда салоҳиятига қараб, уларни тўғри йўналтириш бўйича узлуксиз тизим “занжири”ни яратиш борасида ишлар олиб боряпмиз.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мурожаатномада аниқ фанларни ривожлантириш, ёшларнинг билимга, илмга ва инновация янгиликларини яратишга бўлган қизиқишларини кучайтириш юзасидан ҳам жуда долзарб ғоялар ўртага ташланди. Айни чоғда, физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадасини ташкил этиш тўғрисидаги фикрлар кўпчиликка ғоят маъқул тушди. Сабаби у талаба-ёшларнинг билимини янада оширишга хизмат қилади. Ўғил-қизлар ушбу йўналишда ўтказиладиган танлов ва мусобақаларда ғолиб бўлиш учун ўз устида ишлайди ҳамда олдинга интилади. Қаранг, бунинг аҳамияти қанчалик муҳимлиги биргина шу мисолларда ҳам намоён бўляпти...

— Давлатимиз раҳбари таълим муассасаларида аниқ фанларни чуқур ўқитиш ҳақида кўп таъкидлайди. Бунинг ҳаётий зарурати нимада деб ўйлайсиз?

— Биласизми, айрим йўналишларнинг чуқур ўқитилиши талаба-ёшлар учун жуда зарур. Дейлик, математика. У жуда кўп фанларга йўл очади. Унинг асосий вазифаси фақатгина ҳисоб-китобни ўргатишдангина иборат эмас. Ўқувчиларни фикрлаш, мия имкониятларини ишга солиш, тафаккур қилишга ундайди. Масала ва мисоллар кичик тўсиқ бўлса, математика келажакда бундан-да катта ғовларни енгиб ўтишга ёрдам беради, ўқувчини алгоритм, яъни тартибга, тўғри ва нотўғрини ажратишга ўргатади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, давлатимиз раҳбарининг эътибори билан математика фанини ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш бошланди. Бу борада турли олимпиадаларни ташкил этиш, мунтазам ўтказилишини анъанага айлантириш бўйича ҳам университетимизда муайян ишлар амалга ошириляпти.

Чунончи, Мурожаатномада белгиланган вазифаларни, хусусан, аниқ фанларни ривожлантиришга оид таклифларни амалиётга кенг татбиқ этиш, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида университетимизда республика умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида математика фанидан “Қўқон олимпиадаси”ни уюштирмоқчимиз. Бу борада “Қоракўл зиё” нодавлат таълим муассасаси билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Айтиб ўтишим лозимки, мазкур “Қўқон олимпиадаси” хусусий сектор вакиллари томонидан илк маротаба ташкил этилмоқда. Шуни инобатга олиб, бунинг замирида келажакда юртимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янги босқичга кўтариш мақсад қилинган. Қолаверса, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият орасида, хусусан, илм-фан оламида ўзига хос нуфузини оширишга хизмат қиладиган истеъдодли ёшларни кашф этиш ҳам кўзда тутилган.

Зеро, мамлакатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича даъватлари, яъни **“Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган эзгу ғоясини амалга ошириш барчамизнинг, жумладан, соҳага дахлдор бўлган ҳар қандай кишининг бурчи ҳисобланади.

Яна шуни айтиш жоизки, университетимизда ўтказиладиган “Қўқон олимпиадаси” ёш математикларни аниқлаш ва уларнинг юксак парвозига замин яратувчи ўзига хос пиллапоя вазифасини ўтайди, десак, муболаға бўлмайди. Шундай экан, уни ўқувчилар интиқиб кутадиган ақлий беллашувлардан бирига айлантириш учун барча чорани кўрамиз. Бунга имкониятларимиз етарли.

Зотан, бундай фан беллашувлари келгусида билимдон ёшлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Математикадан билими юқори бўлган авлод билан эса давлатимиз барча жабҳада юқори натижаларга янада тезроқ эришади.

— “Қўқон олимпиадаси”да кимлар қатнашиши мумкин? Шу ҳақда батафсилроқ тўхталсангиз...

— “Қўқон олимпиадаси” умумтаълим мактабларининг 5, 6, 7, 8, 9 ва 10, 11-синфлари, академик лицейларнинг 1, 2-босқич ўқувчилари ўртасида ўтказилиши кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигига қарашли таълим муассасалари, нодавлат ўқув даргоҳларининг 5 — 11-синф ўқувчилари ҳам қатнашишлари мумкин.

Олимпиада икки босқичда ташкил этилиб, ҳудудий босқич вилоятлар кесимида жорий йилнинг 14 февраль куни Давлат тест маркази томонидан махсус тузилган тестлар асосида амалга оширилади.

Бунда ўқувчилар ихтиёрий равишда қатнашади. Иштирокчилар www.olimpiada.kokanduni.uz сайти орқали 10 февралга қадар онлайн тарзда рўйхатдан ўтишлари лозим бўлади.

Республика босқичи эса Қўқон университетида шу йилнинг 13-14 март кунлари ўтказилади. Якунловчи босқичда Давлат тест маркази жавоблари асосида ҳар бир ҳудуддан энг юқори балл тўплаган 5 нафар ўқувчи-номзод танлаб олинади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур босқич “Қоракўл зиё” нодавлат таълим муассасаси мутахассислари, яъни турли йилларда математикадан халқаро ва республика олимпиадалари совриндорлари томонидан тузилган икки поғонали тест усулида танлов асосида ташкил этилади. Ушбу олимпиада инвестицион мотивация асосида ёш математикларнинг селекциясини амалга ошириш, уларнинг билимларини синовдан ўтказиш, нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишларига кўмаклашиш ҳамда шу асосда техника тараққиётининг жадаллашишига замин яратади, деб ишонамиз.

— Рағбат — одамни янада фаолликка етаклайди. Шундай экан, ушбу олимпиада ғолибларини қандай совғалар кутмоқда?

— Тўғри айтасиз. Рағбат — ёшларни илм оламида майдонни янада кенг олиб, ўқиб-ўрганишга ундайди. Олимпиада ғолибларини муносиб мукофотлаш режамизда бор. Шу мақсадда биринчи гуруҳ (5, 6, 7-синфлар) ўқувчи-талабгорлари ўртасида биринчи ўринни қўлга киритган номзодга “Нексия” автомобили, иккинчи гуруҳ (8, 9-синфлар) ўртасида биринчиликни эгаллаганга ҳам “Нексия”, учинчи гурухда (10, 11-синфлар, академик лицейнинг 1, 2-босқич) биринчилик учун эса “Кобальт” автомобили совға қилинади.

> Мурожаатномада жорий йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлаши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.
> Қувонарлиси, ўтган йили илк бор математика, кимё-биология ҳамда геология фанлари таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилгани кўплаб ютуқларга асос бўлди. Жумладан, салкам юзга яқин ихтисослаштирилган мактаблар очилди. Ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилиши билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи ҳам оширилди. Буларнинг барчаси таълим фидойиларига мотивация беряпти.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Барча гуруҳ бўйича биринчи ўнталик рўйхатидан жой олган номзодларга Қўқон университетида грант асосида ўқишга қабул қилиш “Инвестицион ваучер”и тақдим этилади. “Қоракўл зиё” нодавлат ўқув муассасаси томонидан эса гуруҳлар бўйича 1, 2, 3-ўринни қўлга киритган ўқувчи-номзодларга математика ҳамда бошқа фанлардан қўшимча билим олиш ҳуқуқини берувчи бир йиллик бепул ўқиш бонуси ҳам тақдим этилади. Қуйи синф ўқувчилари ғолибликни қўлга киритса, улар илм-фанга йўналтирилиб, тизимли равишда университетга тайёрлаб борилади. Энг асосийси, олимпиада натижаларини баҳолашда, ғолибларни аниқлашда, албатта, адолат мезонлари устувор бўлади.

Дарвоқе, “Қўқон олимпиадаси”ни ташкил этиш ва ўтказиш орқали ёшлар орасида “Билим — инсонни улуғлайди”, деган шиор кенг тарғиб қилиниши билан бирга, ғолибларнинг эришган ютуқларини жамоатчилик ўртасида ёритиш эвазига ўғил-қизларга янада кўпроқ мотивация бериш ҳам мақсад қилинган. Бу эса ўқувчи-ёшлар, талабалар орасида илм олишга бўлган қизиқиш ва интилишларини янада кучайтиради.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаган, яъни буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг ўз даврида ёшларга қарата айтган қуйидаги мурожаати кўз олдимга келди: “Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”.

Зеро, инсонларга қуёш каби зиё нурини таратишни, яхшилик қилишни истайдиган ҳар бир фуқаро келажакка, камолотга интилиб, илм ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши лозим. Бу олдимизга энг катта мақсад қилиб қўйилган — мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ҳамда унга эришишимизда ғоят муҳим.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш юзасидан тендер босқичи бошланганлигини эълон қилади. Тендерда қуйидаги ҳудудлар бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузиш ҳуқуқи учун хусусий шерик аниқланади:

1 босқичли тендер ўтказиш:

1. *Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида.*

2 босқичли тендер ўтказиш:

1. *Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Қўштепа ва Ёзёвон туманларида.*
2. *Фарғона вилоятининг Қува туманида.*
3. *Фарғона вилоятининг Фарғона туманида.*
4. *Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида.*
5. *Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида.*
6. *Навоий вилоятининг Навбаҳор, Конимех, Нурота ва Хатирчи туманларида.*
7. *Навоий вилоятининг Учқудуқ, Томди ва Қизилтепа туманларида.*

Тендерда қатнашиш учун аризалар ёзма равишда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига 2021 йилнинг 1 февраль куни соат 18.00 га қадар тақдим этилиши шарт.

Тендер ўтказиш учун асос: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4845-сонли қарори.

Барча қизиқиш билдирганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси, 2-«А» уй,
Телефонлар: 71-207-07-70 (#5003), 71-207-07-70 (#1072).

«ТЕРМИЗ ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ»

эркин савдо зонаси дирекцияси танловда қатнашишга таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6109-сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикаси билан чегарадош ҳудудидаги 26,0 гектар майдонда — «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонасида логистика, хизмат кўрсатиш, савдо, ижтимоий хизматлар ва ёрдамчи бинолардан иборат мажмуани лойиҳалаш, қуришни ташкиллаштириш масаласида салоҳиятли инвесторларни жалб этиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш учун танлов эълон қилади.

Афғонистон Ислом Республикаси фуқаролари ва ушбу давлат ҳудудидан кирувчи бошқа давлат фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўн кун давомида мазкур халқаро савдо маркази ҳудудида бўлиб, савдо фаолияти олиб бориши, даволаниши ёки маданий ҳордиқ чиқаришлари мумкин бўлади.

Талабгорлар танловда қатнашиш бўйича ўз таклифларини, ёпиқ конвертда муҳрланган ҳолда, 2 нусхада «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси номига, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 1-«А» уй манзилига тақдим этишлари лозим.

Танловда қатнашиш учун таклифлар 2021 йилнинг 20 февраль куни соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
76-223-41-07, 91-911-00-02, 93-633-84-80.
termizesz@gmail.com
Танлов шартлари ва қурилиш ҳудуди харитаси билан surxondaryo.uz веб-сайтида батафсил танишиш мумкин.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг масъул ходими Нажибудин Жияновга онаси

Улуғой ЖИЯНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6